

Ашъарий ва Мотуридий мазҳаблари ҳақида ҳамаср уламоларнинг фикрлари (еттинчи мақола)



13:30 / 23.08.2021 2151

Шайх Муҳаммад ибн Алий ибн Муҳаммад Боитийя «Ғоятул-муно Сафийнатун-нажаҳ» китобида шундай дейди:

«Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби эътиқоддаги Ашъарий ва Мотуридий мазҳабларидир. Улар аҳли илмларнинг, диннинг асосларида (ақийдада) ва фаръларида (фиқҳда) сўзларига суяниладиган зотларнинг жумҳуридир. Шофеъийлар, Моликийлар ва Ҳанбалийларнинг етакчилари эътиқодда имом Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳунинг мазҳабидадир. Ҳанафийларнинг барчаси эътиқодда имом Абу Мансур Мотуридийнинг мазҳабидадир.

Бу икки имом аҳли сунна ва жамоа мазҳабининг устунларидир. Эътиқод масалаларида аҳли сунна ва жамоага мўътазилалар ва уларнинг ортидан юрганлардир, шунингдек, ҳашавий-мужассималар хилоф қилган. Булар, айтиб ўтганимдек, Аллоҳ адаштирган фирқалардир. Бирлари Аллоҳни поклашда ҳаддан ошиб, У зотнинг кўплаб сифатларини нафий қилган бўлса, иккинчиси сифатларни исботлашда ҳаддан ошиб, Аллоҳни махлуқотларга ўхшатиб қўйди».

Шайх Ҳасан Айюб (ваф. 1429 х.) ўзининг «Табситул-ақоидил-исломийя» китобида шундай дейди:

«Аҳли сунна Абу Ҳасан Ашъарий ҳамда Абу Мансур Мотуридий ва уларнинг йўлидан юрганлардир. Улар ақийда масалаларини тушунишда салафи солиҳларнинг йўлидан борганлар. Улар ўз ақийдаларини аниқлашда Қуръони Каримни бош урадиган зилол булоқ қилиб олдилар. Улар ақоид масалаларини Қуръоний оятлардан тушунганлар. Уларнинг ичидан ўзларига иштибоҳли бўлган нарсаларни ақллар инкор қилмайдиган, луғат усуллари ишора берадиган маънода тушунишга ҳаракат қилганлар. Агар бунинг имкони бўлмаса, тўхталганлар ва тафвиҳ қилганлар. Абу Ҳасан Ашъарийга эргашганлар «Ашъарийлар» деб, Абу Мансур Мотуридийга эргашганлар «Мотуридийлар» деб номланган».

Даъватчи Саъид Ҳавво (ваф. 1409) ўзининг «Жавлотун фил-фиқҳайнил кабири вал-акбари» китобида айтади:

«Асрлар давомида мусулмонларнинг эътиқод илмида ҳам, фиқҳ илмида ҳам, тасаввуф илмида ҳам ўз имомлари бўлган. Уларнинг эътиқоддаги имомлари Абу Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридийдир. Шу каби зотлар ўз мутахассисликларида сўзлари нақл қилинган кишилар бўлиб, Китобу Суннатни англашда энг соф тушунчаларни тақдим этганлар. Шунинг учун ҳам уммат сон-саноксиз ботил, чиркин қарашлар орасидан бир овоздан уларнинг сўзларини ажратиб, қабул қилгандир.

Саъид Ҳавво яна айтади: «Фиқҳда муаллифлару китоблар, ва фиқҳда сўзларини уммат бир овоздан қабул қиладиган имомлар бўлганидек, ақийда бобида ҳам уммат бир овоздан сўзларини қабул қилган имомлар бор. Улар Абу Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридийлардир».

Шайх Абу Ҳасан Надавий (ваф. 1420) «Рижолул-фикри вад-даъвати фил-Ислами» китобида Ашъарийларнинг фазли ҳақида шундай дейди: «Ислом оламининг у чеккасидан бу чеккасигача уларнинг илми ва нуфузи олдида бўйин эгди. Уларнинг фазли билан Ислом оламининг фикрий етакчилиги мўътазилалардан аҳли суннага ўтди».

Шайх Абу Ҳасан Надавий яна айтади:

«Имом Ашъарий ўз йўлида мужоҳид, дин ҳомийси ва муваффақиятли йўл юрди. Ўзи ҳақида айтилган гаплардан толиқмади ва у ўз асрида динга манфаат берадиган, шариятга ўзининг маҳобати ва иззатини қайтарадиган, ёш авлоднинг дину ақийдасини қўриқлайдиган шу эканига

тўлиқ ишонган ҳолда ҳаракат қилди. Ниҳоят, у изчил меҳнати, кучли шахсияти, ўткир ақли, ноёб ихлоси билан динга таҳдид солаётган эътироз ва тутруқсиз фалсафачилик оқимини қайтаришга муваффақ бўлди. Кўплаб қадамлари тойган, ақллари ва ақийдаларида изтиробда қолган кишиларни тўғри йўлда собит айлади ва аҳли суннада ўз ақийдаларига қайтадан ишонч пайдо қилди».

Шайх Муҳаммад Алавий Моликий (ваф. 1425) ўзининг «Мафоҳим яжибу анта тусоҳҳаҳ» номли китобида айтади:

«Ашъарийлар мусулмон уламолари ичида ҳидоят намояндаларидир. Уларнинг илмлари бутун Ислом оламига тўлиб тошди. Одамлар уларнинг фазллари, илмлари ва дин-диёнатларидан келиб чиқиб уларни «аҳли сунна уламоларининг билимдонлари», «мўътазилаларнинг туғёнига қарши турган аҳли фазл уламоларнинг намояндалари» деб атаганлар.

Муҳаддислар, фақиҳлар, муфассирлардан иборат етакчи олимлар Ашъарийдирлар: «Фатҳул-Борий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий» китобининг муаллифи, ҳеч бир низосиз муҳаддислар устози, Шайхул-Ислом Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний Ашъарий мазҳабида бўлган. У кишининг китобига мурожаат қилмайдиган, муҳтож бўлмайдиган олим йўқ. Аҳли сунна уламоларининг шайхи, «Саҳиҳи Муслим» шарҳи ва бошқа машҳур асарлар муаллифи имом Нававий ҳам ашъарий мазҳабида бўлган. Муфассирлар шайхи, «Алжомеъ лиаҳкамил-Қуръон» тафсирининг эгаси имом Қуртубий ҳам ашъарий мазҳабидадур. «Аз-Заважир ан иқтиробил-кибоир» асарининг муаллифи, Шайхул-Ислом ибн Ҳажар Ҳайтамий ҳам ашъарий эди. Фиқҳ ва ҳадис устози имомул-Ҳужжа Закарийя Ансорий ҳам ашъарий мазҳабидадур. Имом Абу Бакр Боқиллоний, имом Асқалоний, имом Насафий, имом Ширбиний ва «Баҳрул-муҳит» тафсирининг муаллифи Абу Ҳайён Наҳвий, «Ат-Тасил фи улумит танзил» китобининг муаллифи Ибн Жуззий ҳам ашъарий бўлган. Ушбу саналган имомларнинг барчалари ашъарийдурлар. Агар биз ашъарий мазҳабида бўлган барча муҳаддис, муфассир ва фақиҳ имомларни санайдиган бўлсак, вақт торлик қилади, битикларимиз жилд-жилд китоб бўлиб кетади. Уларнинг илмлари дунёнинг машриқу мағрибини тўлдиргандир. Биз гўзалликни ўз эгасига қайтаришимиз, аҳли илмнинг фазлини эътироф этишимиз, пайғамбарлар саййиди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариятига хизмат қилган буюк уламоларнинг хизматини ва фазлини эътироф этишимиз вожибдур».

Доктор Маждий Баслум ўзининг имом Мотуридийнинг «Таъвилоту аҳлис-сунна» асарига ёзган муқаддимасида шундай дейди:

«Юқорида ўтдики, Ислом миллатининг ақийдасининг меҳвари иккита кутбдур. Уларнинг бири Абу Ҳасан Ашъарий, яна бири эса Абу Мансур Мотуридийдур».

Шайх Абдулмажид ибн Тоҳо Заъбий ўзининг «Итҳофул-акобир фи сийроти ва маноқибил-имоми Муҳйиддин Абдулқодир ал-Жийлоний» номли китобида айтади: «Савод аъзам ашъарийлар ва мотуридийлардир. Хусусан, ашъарийлардур. Чунки аҳли суннанинг кўпи ашъарийдур».

Шайх Ваҳбий Сулаймон Ғоважий (ваф. 1434) ўзининг «Арконул-иймон» китобида айтади:

«Усули динда (ақийдада) ва эътиқодда адашган тоифаларнинг шубҳаларига раддия сифатида биринчи бўлиб нақл ва ақлга асосланиб китоб ёзган киши Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳдир. Ундан кейин муаллифлар усули динди кетма-кет китоблар ёзишди. Ниҳоят, бу илмнинг қоидалари икки буюк имом Абу Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридий – икковларини ҳам Аллоҳ раҳматиға олсин – қўлида қарор топди».

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

06.06.2020 йил